# «Мўминнинг умр сафари - муфассал ҳаж китоби» қайта нашр этилди!




16:18 / 12.12.2019 2483

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб **«Мўминнинг умр сафари - муфассал ҳаж китоби»** деб номланган китоб.

## МУҚАДДИМАДАН

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Бандаларига умрида бир маротаба ҳаж қилишни фарз қилган, ҳар вақт умра ибодатини бажаришни суннат қилган, Ўз Пайғамбарига Ҳаж ва Фурқон сурасини нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаж ва умра ибодатини адо этиш йўлларини умматга ўргатиб кетган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг оилаларига ва саҳобаларига кўплаб салавоту саломлар бўлсин!

Қуръон ва Суннатдан ҳаж ибодатларини ўрганиб, таҳлил этиб ва тартиблаб баён қилиб берган уламоларимизга Аллоҳ таолонинг раҳматлари бўлсин!

Мухлисларимизга яхши маълумки, «Ҳилол-нашр» нашриётимиз мўмин-мусулмонларга Ислом арконларини ўргатувчи муфассал китоблар силсиласини тақдим этишни режалаган эди. Алҳамдулиллаҳ, ушбу силсилага кирувчи «Мўминнинг меърожи» (муфассал намоз китоби), «Мўминнинг қалқони» (муфассал рўза китоби), «Мўминнинг нажоти» (муфассал закот китоби) нашр этилиб, ўқувчиларимиз томонидан севиб ўқиб-ўрганилмоқда.

Бугун сиз, азизларга ушбу силсилага кирувчи китобларнинг навбатдагиси – «Мўминнинг умр сафари» (муфассал ҳаж китоби)ни тақдим этаётганимиздан мамнунмиз. Бу китоб ҳаж ва умра ибодати ҳақида нашр этилган аввалги китоблардан шу билан фарқланадики, унда Аллоҳга севимли, ўта масъулиятли бу ҳам баданий, ҳам молий, ҳам руҳий ибодатнинг моҳияти, унинг рукнлари ва нусуклари, ҳаж ва умранинг фиқҳий асослари тартиби билан янада кенгроқ, тушунарлироқ ва муфассалроқ баён қилиб берилган.

Китобимизнинг аввалида ҳаж ибодати ҳақидаги умумий тушунчалар, ҳаж ва умранинг васфи ва фазилати ҳақида келган Қуръони Каримнинг ояти карималари ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадислари, ҳаж ибодатининг жорий этилиш тарихи, ҳажнинг турлари, бу ибодатни адо этиш билан

боғлиқ макон ва замон тушунчалари кенг баён қилиб берилди. Шунингдек, китобдан ҳажнинг аҳкомлари, унинг одоблари, нозик сирлари, ҳажга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги масалалар ҳам ўрин олган.

Ҳар йили ҳаж ва умра қилиш учун сафарга чиқадиган минглаб мусулмонларимиз ўзларига керакли кийим, таом, маблағ ва бошқа нарсалар билан бирга ибодатларининг мақбул бўлиши учун ўта зарур бўлган рисола, қўлланмалардан олишса, мақбул иш бўлур эди. Шундай қилишса, ҳаж ибодатига киришар эканлар, уни қай тартибда адо қилишда, қайси ўринда нима қилиш кераклигини англашда, ҳаж ва умранинг фарз, вожиб, суннатларини ажратишда, қаерда қандай дуо ва зикрларни ўқишда қийналиб қолишмайди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, мазкур китобимизда ҳаж ва умра қилишнинг тартиб-қоидалари, ҳаж ва умрада бажариладиган турли амаллар, эҳромга кириш, тавоф, саъй, бадал ҳажи кабиларни бажариш йўллари, ҳаж ва умрада беихтиёр йўл қўйиладиган хатолар ва уларнинг каффорати атрофлича баён қилиб берилди. Шунингдек, Мино, Арафот, Муздалифа, Жамарот, Мадинаи мунаввара каби маконларда қандай амаллар адо этилиши ҳам тартиби билан ёритилди. Китобимизда аёлларнинг ҳаж қилишдаги ҳолатлари, бунда уларнинг эркаклардан қандай фарқланишлари масалалари ҳам батафсил кўрсатиб берилган.

Аллоҳ таолонинг ушбу китобни ҳам бошқалари каби Ўзининг йўлидаги хайрли ишлардан бири сифатида қабул айлашидан ва уни мусулмонлар учун манфаатли қилишидан умидвормиз.

**Муаллиф:** Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
**Номи:** «Мўминнинг умр сафари - муфассал ҳаж китоби»
**Нашриёт:** «HILOL NASHR» Нашриёти
**Сана:** 2019, 2018, 2017 йил
**Ҳажми:** 232 бет
**ISBN:** 978-9943-5978-3-9
**Ўлчами:** 84×108 1/32
**Муқова:** юмшоқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари

бўйича қўмитанинг 2019 йил 30 августдаги 4817-сонли хулосаси ила чоп этилган

**Мундарижа**

Сўзбоши

Ҳаж қандай ибодат?

Қуръони Карим ҳаж ҳақида

Ҳаж мавзусига доир қирқ ҳадис

Ҳаж ҳақидаги бошқа ҳадиси шарифлар

Ҳаж ибодатининг тарихи

Ҳажнинг одоблари

Ҳажнинг нозик сирлари

Ҳажга тайёргарлик

Ҳаж сафарига чиқувчига тавсиялар

Уйдан чиқиш

Яқинларидан рухсат олиш

Ҳаж қилувчи кишидан дуо сўраш

Уловга чиққанда ўқиладиган дуо

Бирор жойга тушганда ўқиладиган дуо

Денгиздан самолётда ёки кемада ўтиб

кетаётганда ўқиладиган дуо

Сафар давомида ўқиладиган дуо

Ҳаж ибодати турлари

Ифрод

Таматтуъ

Қирон

Ҳажнинг аҳкомлари

Ҳажнинг фарзлари

Ҳажнинг вожиблари

Ҳажнинг суннатлари

«Ҳажи мабрур» деб нимага айтилади?

«Ҳажи акбар» деб нимага айтилади?

Ҳаж ва умрада бажариладиган амаллар

Ҳажнинг беш куни

Эҳромга кириш

Мийқот

Талбия айтиш

Эҳромда қилиш ёки қилмаслик керак бўлган

амаллар ҳамда уларнинг каффоратлари

Жиноятлар ва уларнинг каффорати

Ҳарами шарифга кириш

Тавофни бошлаш

Биринчи айланишда ўқиладиган дуо

Иккинчи айланишнинг дуоси

Учинчи айланишда ўқиладиган дуо

Тўртинчи айланишнинг дуоси

Бешинчи айланишнинг дуоси

Олтинчи айланишнинг дуоси

Еттинчи айланишнинг дуоси

Замзам сувидан ичиш

Сафо ва Марва орасида саъй қилиш

Минода туриш

Минода қилинадиган амаллар

Арафотда туриш

Муздалифада бўлиш

Шайтонга тош отиш

Ташриқ ва қурбонлик кунлари

Тавофнинг турлари

Тарк қилинса, қон вожиб бўладиган

вожиб амаллар

Тарк қилинса, қон вожиб бўлмайдиган

вожиб амаллар

Аёл кишининг ҳажи

Аёлларга алоҳида кўрсатмалар

Бадал ҳажи

Ҳаж ва умра қачон фосид бўлади?

Умра

Умранинг фарз ва вожиблари

Умра амалларида тартибга риоя қилиш

Рамазонда умра қилиш

Қурбонлик ва ташриқ кунлари ҳожининг

умра қилиши

Мадинаи мунаввара зиёрати

Равзаи муборакда набий соллаллоҳу алайҳи

васалламга салом айтиш одоби

Мадинаи мунавварадан қайтиш одоби

Мадинаи мунаввара хурмоларидан ватанига олиб кетиш

Ўз ватанига яқинлашганда

Видолашув ҳажи

Вадо хутбаси

Зарур илова

Ҳожилар ҳаждан қайтишди...

Ушбу китобни қуйидаги дўконларимиздан харид қилишингиз мумкин:

**1. МЧЖ «Hilol-nashr» нашриёт-матбааси бош савдо дўкони**
Телефон: +99871 216 29 27
Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5-уй

**2. Чорсу филиал**
Манзил:  Тошкент ш., Олмазор тум., Сағбон(Фаробий) кўчаси, 7-уй
Телефон: +99891 134 82 88

**3. Кўкча филиал**
Манзил:  Тошкент ш., Шайхонтоҳур тум., Маннон уйғур кўчаси, 362-уй
Телефон: +99897 755 23 70

**4. Наманган филиал**
Манзил:  Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 69-уй
Телефон: +99869 227 95 91

**5. Анжижон филиал**
Манзил:  Андижон ш, Ўзбекистон кўчаси, 5-уй
Телефон: +998 97 706 29 27

**6. Фарғона(Марғилон) филиал**
Манзил: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Хонақо кўчаси, 3-уй (Мўлжал: Хонақо масжиди)
Телефон: +99897 756 29 27

**7. Самарқанд филиал**
Манзил: Самарқанд ш., Шоҳи Зинда кўчаси, 268-уй
Телефон: +99891 522 44 99

**8. Сурҳондарё филиал**
Манзил: Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 69-уй
Телефон: +99893 503 56 94

**9. Хоразм филиали**
Манзил: Урганч шаҳри, Амир Темур истироҳат боғи ҳудуди
Телефон: +99899 526 29 27, +998 93 747 77 74

**10. Бухоро филиали**
Манзил: Бухоро шахри, Ибн Сино-1б Мўлжал: Самарқанд дарвоза С-Маркет
+99897 239 29 27

**11.** www.kitoblardunyosi.uz вебсаҳифаси орқали онлайн харид қилишингиз мумкин.